O'zbekiston Respublikasi
BUXORO VILOYATI
QORAKO'L TUMANI HOKIMI
**Q A R O R I**

Ўзбекистон Республикаси
БУХОРО ВИЛОЯТИ
ҚОРАКЎЛ ТУМАНИ ҲОКИМИ
**ҚАРОРИ**

«3» февраль 2020 йил Qorako`l tumani № 192

# Қоракўл туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари"га мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш максадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** Қоракўл туман "Қоракўл деҳқон бозори" МЧЖ ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ўтказилсин.

**2.** Туман давлат солиқ инспекцияси (Ш.Жумаев), туман ички ишлар бўлими (О.Қурбонов), туман санитария-эпидемиология назорати маркази (А.Ҳамдамов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда:

- Қоракўл туман "Қоракўл деҳқон бозори" МЧЖ ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқилишини;

- дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилишини;

-дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини таъминласин.

**3.** Қуйидагилар:

- товарга оид ҳужжатлар;

- сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда дам олиш куни ярмаркаларида иштирок этиш ва маҳсулотларни сотишга рухсат берилиши белгилаб қўйилсин.

**4.** Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

**5.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Ғайбуллаев) зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари** **Б.Ғайбуллаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI QORAKO'L TUMAN HOKIMLIGI DEVONXONASI